

ТИЛ - МИЛЛАТ КУЗГУСИ

*Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш
Муҳандислар Институти*

Кодирова Раъно Тухтаевна – катта ўқитувчи

Жамики эзгу фазилатлар инсон калбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг рухидир.

И.А.Каримов.

Тил-миллат кўзгуси, дейдилар. Дарҳақиқат, унда миллатнинг узок ўтмишидан тортиб, то бугунги кунгача бўлган даври, маданияти, маънавияти мужассам. Тил одамнинг онглилик даражасини белгиловчи омил ҳам саналади. Қолаверса, у миллатни дунёга танитадиган маънавий асос, унинг муҳим белгиси, узвий ва ажралмас бир бўлагидир. Тиллар-инсониятнинг умумий бойлиги. Инсоннинг тилини билмасдан туриб, у билан фикрлашиш имконсиз. Бошқа бир халқнинг маданиятини англаш учун ҳам ўша халқ тилини билиш талаб этилади. Халқимиз буни лўндагина қилиб: “Тил билган - эл билади”, деб таърифлайдилар.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биридир. Унинг софлиги, пурмаънолиги, таъсирчанлиги, гўзаллиги, бойлигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Халқимизнинг ўз тилига, элига бўлган чексиз муҳаббати, ижодкорлик қудрати тил масалаларига миллийлик нуқтаи назари билан ёндашишда намоён бўлади. Ҳазрати Навойнинг “Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз” деган хикмати неча аср ўтса ҳам ўзининг маъно-моҳиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, тарихий жараёнлар бу хикматнинг нақадар ҳаққонийлигини исботлаб келмоқда.

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”

Тил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси ҳамдир. Шу сабаб ҳам “Тил бойлиги – эл бойлиги” дейишади. Тилни асраш, авайлаш, бойитиш, мазмунли сўзлаш ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Қадимда элчиларнинг тилига, гапириш оҳангига разм солиб, халқининг маданияти, дини ва урф одатларигача илғаб олишган. Адиблардан бири: “Тил – миллатнинг юрагидир” деган эди.

Ўзбек тили Мавлоно Лутфий, Ҳазрат Алишер Навоий, Бобур Мирзолардан то шу кунларгача машаққатли ва олис йўлни босиб ўтди. Аждодларимиз, олимларимиз асрлар давомида ўзбек тилининг давлат тили бўлишини орзу қилишди, яратганга беҳисоб шкурки бундай неъмат билан Аллоҳ бизни сийлаб қўйди. Ҳолбуки, ҳамма тилни хурматлаш одобини нутқ маданиятини ўрганиш ҳар биримиз учун зарур омил ҳисобланади. Зеро, оғзаки нутқ маданиятини билиш, ўрганиш, тилга хурмат - элга хурмат маъносида ҳам юксак фазилат ҳисобланади. Ҳазрат Навоий айтганларидек: Тилга эътибор – элга эътибор.

“Тилнинг софлиги миллатнинг софлигидир” – дейилади. Демак шундай экан тилимизнинг қадрини ва вазнини буюк эътиқод даражасида авайлашимиз зарур. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур хурмат билан ёндашимиз керак.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Узбек тили атамашунослиги. "Фан", Т., 1990
2. Содиков К. Аждодларимиз битиги. "Фан", Т., 1990.
3. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Т. – 2006.
4. Мирзаев М., Усманов С., Расулов И. Ўзбек тили Т. – 1967.
5. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Т., 2008
6. Каримов Ш.К. Тилшуносликка кириш.. Т., 1990